«ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ ГАЗЕТИ»ДА ҚЎЛЛАНГАН СИНОНИМЛАР

Г.РОЗИҚОВА

В статье анализируются синонимические лексические единицы, использованные на страницах газеты «Туркистон вилоятининг газети».

This article is about synonyms which were used in "Turkiston viloyatining gazeti".

Тил ва ундаги ҳодисаларнинг белги сифатидаги муаммоси ҳозирги тилшуносликнинг долзарб ва марказий масалаларидан бири сифатида қаралади.

Шакл ва маъно муносабати аслида тилнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, унда товушнинг маъно билан, ифода планининг мазмун плани билан бирикувидан иборат шакл ва мазмуннинг қўшилиши тушунилади. Шакл ва мазмун ўзаро боғлиқ бўлади, унинг бирида вужудга келган муаммо бошқасида ҳам бошқа бир муаммога туртки бўлади.

Ҳ.Неъматов ва Р.Расулов шакл билан мазмуннинг ўзаро боғланишини иккиламчи сунъий ҳамда бирламчи ижтимоий-анъанавий каби икки гуруҳга ажратадилар. Математик белгилар билан улар ифодалаган мазмун, ҳарфлар билан товуш ва фонемалар, йўл белгилари билан улар англатган мазмун ва ҳоказо орасидаги боғланиш иккиламчи сунъий боғланишга киритилган. Тилга хос шакл ва мазмуннинг ижтимоий-анъанавий боғланиши бирламчи ижтимоий-анъанавий боғланиш ҳисобланади. Ана шундай бирламчи ижтимоий-анъ-анавий боғланишлар рамз (белги)ларга нисбатланиб, тилга ана шундай рамзлар тизими сифатида баҳо берилади. Яна шу нарса эътироф этиладики, сунъий (иккиламчи) боғланишларда шакл ва мазмун боғланиши мутаносиб (яъни битта шаклга битта мазмун тўғри келади) бўлса, тилга хос бирламчи ижтимоий-анъанавий боғланишларда шакл ва мазмун бирликлари ҳамма вақт ҳам мутаносиб бўлавермайди. Тилдаги шакл ва мазмун номутаносиблигининг сабаби сифатида тил белгиларининг моҳияти оддийгина шакл ва мазмун боғланиши билан эмас, балки пара-дигматик ва синтагматик муносабатлар орқали аниқланади [4. 32-33].

Фалсафанинг шакл ва мазмун бирлиги, шакл ва мазмун бирликларининг мутаносиблиги ёхуд номутаносиблиги тушунчалари, ана шу тушунчалар билан боғлиқ қонуниятлар тил ҳодисалари учун ҳам хосдир. Лисоний қурилмаларга хос шакл ва мазмун номутаносиблигини юзага келтирувчи асосий омиллар икки хил бўлади: 1) парадигматик номутаносиблик; 2) синтагматик номутаносиблик [2.45].

Синтагматик номутаносибликда бирор бир сўз шакли бошқа бир сўз шакли билан синтагматик алоқага кириб, бутунлик ҳосил қилади. Ана шу бутунлик таркибида қисмлардан бирининг функционал қиймати инкор этилади – барҳам топади.

Профессор Н.Маҳмудов томонидан содда гапларнинг семантик ва синтактик қурилиши билан боғлиқ номутаносибликнинг жуда кўп масалалари жиддий ўрганилган [3]. Хусусан, унинг ,,Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия'' номли монографиясида каузативли, қиёсий содда гаплар, шунингдек, иккинчи даражали предикация туфайли мураккаблашган содда гапларга хос номутаносибликнинг кўринишлари таҳлил қилинган.

Синтагматик номутаносиблик уюшиқ ва ажратилган бўлакли, ундалмали, кириш ва киритмали гаплар учун ҳам хос бўлади. Бундан ташқари, устама предикацияли гап қурилмаларида ҳам синтагматик номутаносиблик мавжуддир. Бундай қурилмаларда ҳам гап таркибининг шаклий-грамматик бирликлари билан семантик бирликлари миқдори мувофиқ бўлмайди.

Парадигматик номутаносиблик ҳақидаги дастлабки маълумот ўзбек тилшунослигида А.Бердиалиевнинг ишларида учрайди [1.40-45]. Парадигматик номутаносибликда тил бирликларининг шаклий ва мазмуний номутаносиблиги ўзига хос хусусиятларга эга. Гарчанд парадигматик номутаносиблик атамаси ишлатилмаган бўлса-да, номутаносибликнинг бу тури С.О.Карцевский, Е.Д.Поливанов, Р.А.Будагов, Б.А.Серебренников сингари рус; А.Н.Нурмонов, Н.М.Маҳмудов, Р.Сайфуллаева, Р.Расулов, М.Аъламова, С.Султонсаидова, У.Раҳимов сингари ўзбек тилшуносларининг тадқиқотларида ҳам маълум даражада эътироф этилган.

Ортиқчалик ва тежамлилик ҳодисаларининг ёнмаён, изма-из юриши парадигматик номутаносибликда ҳам мавжуд. Шаклий пландаги номутаносибликда шаклий бирликлар ортиқча бўлиб, мазмуний (маъновий) бирликлар тежалади, мазмун планига хос номутаносибликда мазмуний бирликлар ортиқ-

ча бўлади. Шаклий планга хос номутаносиблик синонимия, паралеллизм, дублет сингари лисоний тушунчалар билан боғланса, мазмуний планга хос номутаносиблик полисемия, омония, антонимия, полифункционаллик, синкретизм сингани тушунчалар билан алоқадор бўлади.

Синонимия ҳодисасида шаклий бирликлар ортиқча бўлиб, маъновий бирликлар тежалади. «Бу ҳодиса ҳам гўзал ва нафис, таъсирли ҳамда мазмундор нутқнинг юзага келишини таъминлайдиган лисоний ҳодисалардандир. Бунда лисоний бирликлар шаклан – моддий қобиғ жиҳатдан фарқли бўлса-да, маъно жиҳатдан умумийликка эга бўлади, лекин маъно жилоси, нозиклиги, бўёғи билан ажралиб туради. Бу ҳодисанинг юзага чиқиши сўзлар доирасида яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади» [6].

«Туркистон вилоятининг газети» 1870 йилдан нашр этила бошлаган. 1870-1871 йилларда чиқарилган газеталар таҳлил этилганда, синонимлик ҳодисаси уларда жуда кенг қўлланганининг гувоҳи бўлдик. Масалан, газетада *дўкондор, савдогар, тижор аҳли, купес* сингари синоним сўзлар қўлланган бўлиб, улар айнан бир маънони ифодалаган. *Дўкондор* арабча *дўкон* сўзига форсча *–дор* қўшимчаси қўшилиши билан ҳосил бўлган. *Савдогар* форсча сўз, *тужжор* арабча, *купец* русча сўз бўлиб, *савдогар, тожир* маъноларини ифодалайди. *Дўкондорлар молидан бедаллолча миқдор сотулғонин меъёри ҳозир маълум эмасдур. Шул дафъа ёрманка бозорға куписларнинг келтургон молларининг тамомисини ҳисоби икки милён саккиз юз йигирма беш минг саккиз юз ўттиз сўмликдур. …Ушбу мажлисда бўлиб ўрусча ва мусулмонча тилларни хўп яхши биладургон поручик батафсил таржима қилиб тижор аҳли исломға айтиб турди.* (ТВГ; 1870 йил 7 декабрь, 7-сон)

Газетада *область – вилоят* синоним сўзлари ҳам кенг қўлланган. *Область* (қад.р. об+волость - ҳудуд, давлат) бир неча районни ўз ичига олган йирик маъмурий - ҳудудий бирлик [5.73]. *Сирдарё облуси.* (ТВГ; 1870 йил 28 декабрь 8-сон)

Вилоят арабча сўз бўлиб, бошқарув; чекка жой, ўлка маъносини англатади. У қуйидаги маъноларда қўлланган:

1 тар. Мамлакатнинг пойтахтдан йироқдаги чекка ўлкаси: *Туркистон вилояти.*

2 эск. Умуман, мамлакат, ўлка, юрт: *Русия вилоятлари. Франсия вилояти.* (ТВГ; 1870 йил 7 декабрь 7-сон)

3 эск. Шаҳардан чекка жойлар: *Хўқанд вилояти, Шаҳрисабз вилояти*

4. Мамлакатнинг бир ва ундан ортиқ шаҳарларини ҳам ўз ичига оладиган йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма. *Вилояти Самарқанд*

«Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида «ҳарбий хизматдаги шахс» маъносини ифодаловчи *аскар, солдат* синоним сўзлари ҳам қўлланган. *Аскар* сўзи арабча бўлиб, *лашкар, қўшин* маъносини ифодалайди. Бу сўз «ҳарбий хизматдаги шахс» ва «давлатнинг қуролли кучлари мажмуи ёки уларнинг бир қисми; қўшин, армия» маъноларида ҳам қўлланади. *Солдат* сўзи (нем. Soldat < итал. Soldato – маош, мояна олувчи < soldo – пул, танга) аскар, жангчи, ҳарбий киши [5.546]. *Қалъада аскар тайёрланиб турубдур.* (ТВГ; 1871 йил 26 январь 2-сон) *14 ноябрда Тошкент шаҳрида янгидан таъмир қилиниб турғон Ойзиф Бирумон деган солдатни уйини шифти йиқилибдир* (ТВГ; 1871 йил 26 январь 2-сон).

Газетада «давлатнинг қуролли кучлари мажмуи ёки уларнинг бир қисми; қўшин, армия» маъноларини ифодаловчи форсча *лашкар* сўзи ҳам учрайди. Бу сўз Афғонистон қуролли кучларига нисбатан қўлланилган. *Азбаройи сақламоқлиги вилояти Ғазни учун олти пилтон аскарни тўрт занбурак билан саркардаси Муҳаммад Исломхонни сардори лашкар қилиб юбориб экан.* (ТВГ; 1870 йил 28 декабрь 8-сон).

«Таржима қилувчи шахс» маъносини англатувчи арабча *таржимон* сўзи ўзбекча *тилмоч, тилчи* сўзларига синоним сифатида ишлатилган. *Аз баски, Яқуббек моли савдогарларни баҳосин ўзи қилиб боргон савдогарларни тилчи ағнаб боҳузур юришдин манъ қилиб ва яна қўрқитмоқ учун жарималик одамларни бошин ўрус савдогарлари турғон Сарой олдида олдурур* (ТВГ; 1870 йил 7 декабрь 7-сон). *Сирдарё облусининг войинной губирнотурининг тилмочи поручик Сиртлонуфни Чимкентни уёзной ҳокимига нойиб қиламан* (ТВГ; 1870 йил 28 декабрь 8-сон). *Шоҳмурод Иброҳимовни азбаройи хизмати вилояти Туркистон учун Сирдарё облусининг облусной маҳкамасиға таржимон қилдим.* (ТВГ; 1870 йил 7 декабрь 7-сон).

«Хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноат корхонаси» маъносини ифодаловчи лотин тилидан рус тили орқали ўзбек тилига қабул қилинган *фабрика* сўзи форсча *корхона* сўзи билан синонимик қатор ҳосил қилган.

Шунингдек, газета саҳифаларида синоним сўзлар бир ўринда, кетма-кет қўлланган ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, «тақдим этилган нарса; совға, туҳфа» маъносини англатувчи арабча *ҳадя* сўзи худди шу маънодаги ўзбекча *тортиқ* сўзи билан бирга қўлланган. *Урус газитларида Бухоро амири оқ подшо ҳазратлариға юборған тортиқ ва ҳадялари фил, от ва қулони зимистон бўлғони учун Ўрунбургға тўхталибдур, деб ёзилиб эрди.*(ТВГ; 1870 йил 31-август 3-сон).

Ўзаро синоним бўлган форсча *бардош* ва арабча *сабр* сўзлари қилмоқ феъли билан бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилган ва иккаласи бир ўринда қўлланган ҳамда лисоний ортиқчалик ҳодисасини юзага чиқарган.

Машварат сўзи арабча бўлиб, кенгаш, кўрсатма, йўл-йўриқ, маслаҳатлашиш маъноларида қўлланади. *Маслаҳат* сўзи ҳам арабча бўлиб, луғатларда бу сўзнинг кенгаш, фикр олишиш маъноларида ҳам қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. Газетада *машварат* ва *маслаҳат* сўзлари ҳам синоним сифатида қўлланган. *Савдогарлар жамъ бўлиб ривожи савдоға даркорлик сўзларни машварат ва маслаҳат қилиб турадурлар* (ТВГ; 1870 йил 7 декабрь 7-сон).

Ўзидан кетмоқ ибораси *беҳуш бўлмоқ* сўзи билан ҳам синонимик муносабат ҳосил қилган. *Мазкур қозоқ ўзидин кетиб беҳуш бўлғон сабабидин касалхонаға юборилиб эди* (ТВГ; 1870 йил 24-сентябрь 4-сон).

Ҳимоят қилмоқ, шафқат қилмоқ феъллари ҳам бир ўринда қўлланади: *Хитойдан қочиб келган фуқароларға ҳимоят қилиб шафқат қилиб яроқлар бергани учун…* (ТВГ; 1870 йил 24-сентябрь 4-сон).

Хуллас, номутаносиблик тил тараққиётини белгиловчи ижобий ҳодисалардан биридир. Тилнинг қайси сатҳида бўлишидан қатъи назар, номутаносиблик инсон тилининг ички қурилишига хос бир қатор ҳодисаларнинг ўзаро ўхшашлигига асосланувчи кенг тарқалган атрибутдир.

Номутаносибликни вужудга келтирувчи омиллар ҳар хил бўлишидан қатъи назар, бу ҳодиса тилнинг белгилик табиати асосида мавжуд бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

[1]. Бердиалиев А. Алишер Навоий насрий асарлари тилининг бир синтактик хусусияти ҳақида //Алишер Навоий. Илмий мақолалар тўплами. –Хўжанд, 1991.

[2]. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. – М. : Высшая школа, 1981.

[3]. Махмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка. Дисс… докт. филол. наук. – Т., 1984; Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Т.: Ўқитувчи, 1884.

[4]. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т. : Ўқитувчи, 1995.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007.

6. http/www.ziyonet.uz. Усмонжон Эргашевич Раҳимов. Коса, коса тагида ним коса. Сўзнинг маъно жилолари

Фарғона давлат университети
2011 йил 7 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)